

БОБУРНИНГ САККИЗ СИФАТИ

*Mirishkor tuman 37- o'rta ta'lim maktabining
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Djumayeva Xalovat*

Бобур-подшоҳ, шоир, адабиётшунос ва бобурийлар сулоласининг асосчиси. Дунё олимлари ва адабиётшунослари томонидан унинг ижоди ва шахсиятига оид кўплаб фикрлар билдирилган, асарлари ўрганилган, талқин қилинган. Бобурниң адабиётшунос олим сифатида туркий тилда девон тузган, “Мубайин” номли маснавий шаклида китоб тартиб берган, таржимон сифатида Ҳожа Аҳорор Валийнинг “Волидия” асарини таржима қилган, аruz ва қоғия илмига бағишлиб “Мухтасар” номли асар ёзган. Лекин унинг тарихчи олим, адабиётшунос, этнограф, ҳайвонот ва набодот оламининг билимдони, кўпқиррали ижод соҳиби, куплаб соҳаларга қизиқсанлиги ҳақида маълумот берувчи меъмуар асари-“Бобурнома”нинг сўнгти қисмларида берилган унинг саккиз асл сифати ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

“Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужмал буким, секкиз сифати асили аниңг зотига муттасил эрди:

- бириси, нажҳати баланд эрди, яни муваффақиятлари баланд эрди;
- иккимчиси, ҳиммати аржуманд эрди, яни азиз ҳимматли эрди;
- учумчиси, вилоят олмоғ яъни вилоятларни қўлга киритиши;
- тўртумчиси, вилоят сахламоғ, яъни шаҳар ва вилоятларни сақлаш, уларга эътибор қаратиш;
- бешимчиси, маъмурлуғ, яъни арбоблик;
- олтимчиси, рафоҳият нияти тенгри таоло бандалариға, яъни Тангри таоло бандалариға турмуш кенгчилиги (яхши ният) нияти;
- еттимчиси, черикни кўнгли(ни) қўлға олмоқ, яни лашкар ва қўшиннинг кўнглини олиш:

- саккизимчиси, адолат қилмоғ, яни шоҳликнинг энг олий мақсади саналган адолатпешалик қилиш ”

Бироқ, Бобур шахсига берилган бу таърифлар камдек. Аммо келтирилган ушбу сифатларнинг асл моҳиятига эътибор қилсак, унинг 47 йиллик қисқа, аммо мазмунли умр кечирганлиги, қисқа ҳаётда шоҳ ва шоирлик мартабасига эришиш, тарихий манбалар тилга кирганда бу дунёда бехуда яшамаганлиги аён бўлади. 332 йиллик Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда хукмронлик қилиши, у асос солган империяни фарзандлари ва набиралари томонидан давом эттирилиши, ижод соҳиби сифатида мумтоз адабиётнинг ғазал, рубоий каби мураккаб жанрларида ижод қилиши, инсоннинг дунёга неча йил умр кўриши билан эмас, аксинча қандай яшаганлиги билан баҳоланиши фикримиз исботидир.